

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлигининг
2017 йил «2» февралдаги 11 -сон
бўйргига 5-илюва

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг
фаолияти тўғрисида расмий веб-сайтида жойлаштириладиган ахборотлар
рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг фаолияти тўғрисида расмий веб-сайти*да Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида тасдиқланган (қонун ҳужжатларида белгиланган) ахборотдан ташқари қўйидагилар жойлаштирилади:

- Агентликнинг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);
- Агентлик ҳамда унинг таркибий тузилмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати телефонларининг ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;
- Агентликнинг раҳбарлари, шунингдек ваколат берилган мансабдор шахслари чиқишиларининг ҳамда баёнотларининг матнлари;
- Агентлик хузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;
- Агентликнинг томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати, шунингдек тизимдаги корхоналар томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар рўйхати;
- Агентликнинг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маъruzалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;
- аризаларни, таклифларни ва шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;
- Агентликнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;
- келиб тушган аризаларни, таклифларни ва шикоятларни, шунингдек Агентликнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишининг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.
- Агентликнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилади.

*Изоҳ: Агентликнинг расмий веб-сайти Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги унга тегишли бўлган ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурслар. Агентликнинг расмий веб-сайтидаги ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак (бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин).

Расмий веб-сайтда жойлаштириладиган ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у вакти-вакти билан, бироқ янгилаб бориш даврийлиги ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

Агентлик расмий веб-сайтида жойлаштирилган ахборот (оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга бўлган) ишончли бўлишини таъминлаш ушбу вазифа юклатилган масъул таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан таъминланиши шарт.